

Она бир ака-ука ва опа-сингилларнинг ҳолатлари



14:23 / 18.04.2024 2200

- бир киши вафот этиб, ортидан биттагина она бир ака-укаси ёки она бир опа ёки сингиси қолса, олтидан бирни олади;
- бир киши вафот этиб, унинг ортидан биттадан кўп она бир ака-ука ва опа-сингиллар қолса, улар учдан бирни тенг тақсимлаб олишади, чунки Аллоҳ таоло «**агар улар бундан кўп бўлсалар, учдан бирга шерикдирлар**» деган (*Нисо сураси, 12-оят*).

Шериклик тенгликни тақозо қилади. Шундай экан, Қуръони Каримнинг ушбу оятига кўра, мана шу ҳолатда эркак киши аёл улушининг икки баробарини эмас, балки у билан тенг улуш олади.

«Калола» деб, вафот этганида ортидан ота-бобоси ҳам, фарзанд-набираси ҳам, яъни асли ҳам, фаръи ҳам қолмаган одамга айтилади. Бу сўз «لِكُلِّ» лафзидан олинган бўлиб, унинг маъноси заифликдир. Араблар заифлашиб, қуввати кетиб қолган кишини «لِكُلِّ»، дейишади. Уламолар вафот этган кишининг ортидан боласи ва отаси қолмаса, ўша одам калола дейилади ижмо қилишган.

قِيَّيْ دِصْلَا رِكَبِي بَأْنَعَايُورِ
يِّنَا لِقُوهُ نَعُهُلَلَايِضَر
نِإْفِ، أَيُّرَةِ لَكُلَايِ فُتِّيَّأَرِ
هُدَحُوهُلَلَا نَمَفْ أَبَاوَصَنَّاك
أَطَخَنَّاكُ نِإُو، هَلَكِي رَشَال
هُلَلَاوِ، نَأَطِي شِلَا نَمَوِي نَمَف
أَمَ لَكُلَا نِإِ، عِي رَبُّهُنَم
ذُبَعُهُجْرَحَأ. دَلْوَلَاوَدِلْأُولَا لَخ
،ةَبِي شِي بَأْنَبَاو، قِأَزْرَلَا
رِي رَجُ نَبَاو، يَمَرَادَلَاو
يِقُهُي بَلَاو

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Мен калола хусусида бир фикрни айтаман: тўғри бўлса, шериги бўлмаган ёлғиз Аллоҳдандир; у хато бўлса, мендан ва шайтондандир. Аллоҳ ундан покдир. Калола – ўзидан кейин ота-онаси ҳам, фарзанди ҳам қолмаган кишидир» (Абдурраззоқ, Ибн Абу Шайба, Даромий, Ибн Жарийр ва Байҳақий ривоят қилган).

Баъзилар: «**Калола ортидан фарзанд қолмаган кишидир**», дейишган, лекин тўғрироғи аввалгисидир.

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

«**Зарар келтирмаган ҳолда қилинган васият ёки қарз (адо этилгани) дан сўнг**» (Нисо сураси, 12-оят).

Ояти карима зарар келтириш мақсадида қилинган васият ва қарзни амалга ошириш керак эмаслигини ифодаламақда. Васиятдаги зарар мероснинг учдан биридан кўпини васият қилишдир. Қарздаги зарар эса меросхўрларга зарар етказиш учун қарзи бўлмаган кишига қарзим бор деб иқроор бўлишидир.

«Ислом шариатида мерос илми» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 августдаги 03-07/5163-рақамли ҳамда 2022 йил 27 сентябрдаги 03-07/7348-рақамли хулосалари асосида тайёрланган.